

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚЎЗИБОЕВА ОЗОДХОН МАХМУДОВНА

**ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ИҚЛИМ ВА ЕР
ОСТИ СУВЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ТАЪСИРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ
ГЕОЭКОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

11.00.01 – Табиий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Қўзибоева Озодхон Махмудовна

Жанубий Фарғона ландшафтларининг иқлим ва ер ости сувлари билан ўзаро таъсири ҳамда уларнинг геоэкологик таҳлили..... 3

Кузибоева Озодхон Махмудовна

Взаимодействие ландшафтов Южной Ферганы с климатом и грунтовыми водами и их геоэкологический анализ 31

Koziboeva Ozodkhon Makhmudovna

Interaction of Southern Fergana landscapes with climate and groundwater and their geoeological analysis 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 63

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚЎЗИБОЕВА ОЗОДХОН МАХМУДОВНА

**ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ИҚЛИМ ВА ЕР
ОСТИ СУВЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ТАЪСИРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ
ГЕОЭКОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

11.00.01 – Табиий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/Gr42 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Аббасов Субхон Бурхонович география фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Нигматов Асқар Нигматуллаевич география фанлари доктори, профессор Рафиқов Вахаб Асомович география фанлари доктори Абдуллаев Ботир Дадажонович геология-минералогия фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “2” декабр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Бош бино 105 хона, тел.: (0366) 239-16-36), факс: (0366) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya2019@mail.ru.

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Университет хиёбони, 15 уй. Тел: (+99866) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2022 йил “14” ноябр куни тарқатилди.
(2022 йил “7” 11 даги 1 рақамли реестр баённомаси).

К.М.Боймирзаев
Илмий даражалар берувчи бир
марталик Илмий кенгаш
раиси, г.ф.д.

Б.А.Мелиев
Илмий даражалар берувчи бир
марталик Илмий кенгаш илмий котиби,
география фанлари бўйича (PhD)

А.А.Абдулқосимов
Илмий даражалар берувчи
бир марталик Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, г.ф.д, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда табиий ресурсларнинг чекланганлиги ва антропоген ландшафтлар майдонларининг кенгайиб бориши, иқлим ва ер ости ҳамда ер усти сувларидан оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгариши шароитида ер ости сувларининг ландшафтларга таъсирини комплекс баҳолаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Бу муаммоларни олдини олиш, уларга қарши курашишга халқаро ташкилотлар катта эътибор қаратишмоқда, жумладан, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурининг 15-бандида “Куруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш, биохилма-хилликни йўқолишини олдини олиш”¹ га қаратилган вазифалар белгилаб олинган.. Мазкур вазифаларни ечишда иқлим ва ер ости сувларини ландшафтлар ўзгаришига таъсирини комплекс тадқиқ этиш ҳамда геоэкологик баҳолаш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида суғориладиган ерларда иқлим шароити ўзгариши натижасида чўллар майдонини кенгайиши, тупроқ–мелиоратив ҳолатни бузилиши, тупроқларни шўрланиши, дефляция, эрозия жараёнларни кенгайиши, иқлим ўзгариш шароитида баланд тоғ музликлари майдонларининг интенсив исариши билан боғлиқ ҳолда дарёларнинг сув режимини ўзгариши, натижада ер ости сувлари ёки камайиши сатҳининг кўтарилиши каби салбий табиий географик жараёнлар кузатилмоқда. Шунингдек, ландшафтлар ўзгариш динамикасига табиий омилларнинг таъсирини гидрогеологик, метеорологик ва масофадан зондлаш усуларини қўллаб космик суръатларни таҳлил қилиш, ГАТ технологиялари асосида моделлаштириш жараёни орқали хўжаликда ландшафт комплексларидан мажмуали ва самарали фойдаланишга устувор аҳамият берилмоқда.

Республикамизда ландшафтларидан илмий асосда фойдаланиш борасида кўплаб мақсадли инновацион дастурлар ишлаб чиқиш, модернизациялашга доир комплекс чора-тадбирларни амалиётга боғлаш, иқлим ўзгаришига мослашиш ҳамда сув ресурсларидан самарали ва тежаб омилкорлик билан фойдаланиш борасида бир қатор амалий ишларни амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитасида “Республика ҳудудида амалга ошириладиган хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятларнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш”² алоҳида устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бу борада, инсон хўжалик фаолиятини ландшафтларга таъсири ва ландшафтлардаги антропоген ўзгаришлар ҳамда уларнинг иқлим ва ер ости сувлари билан алоқадорлигини тадқиқ этиш, баҳолаш, мониторинг қилиш ҳамда уларни оптималлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

¹2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартиби //Электрон доступ:<http://www.uz/undp/org/content/Uzbekistan.ru>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5006-сон “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-табирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 апрелдаги №199-сон “Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш борасида давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. “Ер ҳақидаги фанлар”, V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Ландшафтларнинг ривожланиш тенденциясига иқлим кўрсаткичлари ва ер ости сувлари ўзгаришининг комплекс таъсирини баҳолаш, табиий, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши, воҳалардаги экологик вазиятни оптималлаштириш бўйича илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: АҚШда (George Washington University, Carolina, North Carolina, UNC), Буюк Британияда (Coventry University, University of Portsmouth, Oxford University), Германияда (Westfälischen Wilhelms- Universität Münster), Хитойда (Beijing Normal University), Канадада (University of Alberta), Швецияда (Lund University), Австралияда (Monash University, University of Technology Sydney), Россияда (Москва давлат университети, Воронеж давлат университети), Қозон Федерал Университети, Қозоғистонда (Алмати давлат университети,) Қирғизистонда (Ўш давлат университети, Қирғиз миллий университетида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Ландшафтларнинг ривожланишига иқлим кўрсаткичлари ва ер ости сувлари таъсирини комплекс баҳолаш олиб борилган ҳамда илмий тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: воҳа ландшафтлари структурасини сақлаш, воҳалардаги мавжуд агроирригацион ётқизиқларини вужудга келиши ва улардан оқилона фойдаланиш ва уларни оптималлаштириш бўйича тизимли ёндашувлар ишлаб чиқилган (Environmental protection Research Institute, Швеция); йирик инфраструктурали лойиҳалар ва стратегик геоэкологик тадқиқотлар базасига асосан ҳудудлар табиатидан самарали фойдаланиш ва табиатини муҳофаза қилишнинг методик ҳамда методологик асоси такомиллаштирилган (Regional and ecological

³ диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий – тадқиқотлар шарҳи: <https://www.ined.fr>, <https://www.edu.eh.net/encyclopedia/article> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

development institute, Лейбниц; Institute of Environmental, Мюнхен, Германия); суғорма дехқончилик оқибатида агроирригацион ётқизикларнинг вужудга келишида глобал, регионал ва локал миқёсда иқлим ҳамда ер ости сувларининг ландшафтларга таъсири, иқлим ўзгаришини даврийлиги аниқланган (Institute of Geographical Sciences, Пекин, Хитой); конус ёйилмалар табиий муҳитининг глобал, регионал ва локал ўзгаришини мониторинг қилиш тизими ишлаб чиқилган (Institute of Geography, Буюк Британия); биотик ва абиотик омилларнинг ифлосланиши ва деградациясига боғлиқ ҳолда атроф-муҳитга келтирилган зарарларни баҳолаш йўл-йўриқлари такомиллаштирилган (Москва давлат университети, Қозон Федерал университети Россия, Алмати давлат университети, Қозоғистон), курғоқчил ўлкалар иқлим типларини аниқлаш ва суғориладиган ерларда сув ресурсларидан фойдаланиш меъёрлари ишлаб чиқилган (Institute of Hydrology Wallingford Oxfordshire, Англия); ер ости сувларининг сатҳи ҳамда минераллашувига табиий ва антропоген омиллар таъсирларини баҳолаш ва прогнозлаш усуллари қўлланилган (China Institute of Water Resources and Hydropower Research, Хитой); дарё ва сой сувларининг қишлоқ хўжалиги, маиший-коммунал ва саноат корхоналарининг оқова сувлари билан ифлосланиши аниқланган (Norwegian Institute for Water Research, Норвегия) ҳамда суғориладиган ерларда ташланма сувлар билан ифлосланиш даражасини баҳолаш такомиллаштирилган (University of Boloniya, Италия);

Жаҳонда иқлим, ер ости ва ерусти сувларидан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаш, илғор агротехнологияларни қўллаш, модернизация қилиш ва ландшафт- мелиоратив чора тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича бир қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ландшафтларни динамик ўзгариш тенденциясига иқлим ва ер ости сувларининг таъсири, уларнинг геоэкологик таҳлили; ландшафтларни ўзгаришига инсон омили таъсири натижасида юзага келган ҳолатлар, уларни бартараф этиш ҳамда ландшафт-мелиоратив жиҳатдан баҳолаш; атмосфера ҳавосини саноат корхоналари ва коммунал хўжалик, транспорт таъсирида ифлосланиш даражасини аниқлаш доирасида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ландшафтлар ривожланишида иқлим ва ер ости сувлари таъсири ҳамда геоэкологик таҳлиliga доир қатор , тадқиқот ишлари олиб борилган ва олимларнинг асарларида ёритилган. Жумладан, хорижий олимлардан D.H.Newsome, K.Runge, C.Conrad, M.Rahmann, M.Machwitz, J.Ahern, G.G.Landsberg, Starr S.Frederick, J.C.Rodda, R.P.Morgan, A.S.Kostrowiki, B.A.Николаев, E.O.Neef, J.Mc-Closkey, A.Michael, V.V.Mihno, I.I.Mamay, Г.И.Швебс, Т.Т.Логан, W.H.Wischmeir, V.N.Bevz.

МДХ мамлакатларида В.И.Кузнецов, М.В Сергеев, М.П Лысенко, Б.Ф.Косов, К.П.Воскресенский Н.И. Палупан, М.Ш.Ишанкулов, А.Н.Иванов, А.Н.Каштанов, Ф.Н.Лисицкий, К.Н.Дьяконов, А.В.Дроздов, Ф.Кобченко ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида иқлим ва ер ости сувларини ландшафтларга комплекс таъсири, суғориладиган ерлар ландшафт-мелиоратив ҳолати, суғориладиган ерларни антропоген омил таъсирида ўзгариши ўрганилган.

Республикамиз бўйича комплекс табиий географик тадқиқотлар Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, А.Абдулқосимов, Н.П.Васильковский, В.Н.Вебер, В.М.Четыркин, Н.А.Гвоздецкий, Т.В.Звонкова, Б.П.Алисов, Ю.Султонов, Б.А.Камолов, В.Е.Чуб, Э.И.Чембарисов, Ф.Х.Ҳикматов, Р.Бегматов, Б.Д.Абдуллаев, Д.Ғ.Юнусов, Э. А.Солиев, геоэкологик вазиятлар таҳлили О.Мирзамаҳмудов, О.Абдуғаниев, К.М.Боймирзаев, Қ.С.Ярашев, А.А.Назаров ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, геотизимлардаги геоэкологик вазиятларнинг, инсон саломатлигига таъсири масалалари А.А.Абдулқосимов, А.А.Рафиқов, Л.А.Алибеков, А.Н.Нигматов, С.Нишанов, Ҳ.Ваҳобов, Н.Сабитова, А.Мақсудов, С.Б.Аббасов, А.Раҳматуллаев, В.А.Рафиқов, Н.Комилова, М.Назаров ва бошқалар томонидан ўрганилган. Ушбу тадқиқотларда мамлакатимизда ландшафтшунослик нуқтаи назаридан табиий географик районлаштириш, уларни геоэкологик ҳолатини оптималлаштириш масалаларини ўрганишга қаратилган.

Лекин, юқоридаги олимлар ишларида Жанубий Фарғона ландшафтларига иқлим ва ер ости сувларини таъсири ва уларни геоэкологик таҳлили алоҳида ўрганилмаган. Мазкур тадқиқотда иқлим ҳамда ер ости сувларининг ландшафтларга таъсири, иқлим ўзгариши шароитида дарёлар сув режимини ўзгариши оқибатида ер ости сувларига таъсири, суғорма деҳқончиликни ландшафт- мелиоратив ҳолатига таъсири, ерларни шўрланиши ва уларни олдини олишга доир агротехник тавсиялар ишлаб чиқиш, масофавий зондлаш орқали ландшафтларда кечаётган ўзгаришларни олдиндан кузатиш ва прогнозлаш, антропоген омил таъсирида атмосфера ҳавосини ифлосланишини тадқиқ этишга қаратилган юқорида келтирилган тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқотлар режасига мувофиқ ИТД-7-10 “Самарқанд вилоятининг ўлкашунослик атласини тузиш” (2012-2014 йй.) илмий тадқиқотлар лойиҳаси билан бевосита боғлиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Фарғона ландшафтларининг ривожланиш тенденциясига иқлим кўрсаткичлари ва ер ости сувлари ўзгаришининг комплекс таъсирини баҳолаш, геоэкологик жиҳатларини аниқлаш ҳамда оптималлаштиришнинг илмий ва амалий асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жанубий Фарғона ландшафтларининг ўзгаришига иқлим ва ер ости сувлари таъсирини комплекс баҳолаш;

табиат компонентларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиш;

олиб борилган комплекс табиий географик, ландшафт ва унинг компонентлари бўйича тадқиқотларнинг илмий натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

ландшафтларининг ривожланиш тенденциясига иқлим кўрсаткичлари ва ер ости сувлари таъсири натижасида вужудга келган ландшафт-мелиоратив ҳолатини оптималлаштириш;

ҳудудда геоэкологик муаммоларнинг келиб чиқиш шароитларини аниқлаш ва уларнинг ечимидаги асосий концепциялардан фойдаланиш йўналишларини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жанубий Фарғона ландшафтлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Жанубий Фарғона ландшафтларининг ривожланиш тенденциясига иқлим кўрсаткичлари ва ер ости сувлари сатҳи ўзгариши таъсирини комплекс баҳолаш, ландшафт-мелиоратив, ландшафт-геоэкологик шароитни оптималлаштиришга оид тавсияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда картографик, экспедицион, лаборатория, тизимли таҳлил, тадқиқот натижаларига математик-статистик ишлов бериш, космик суратларни дешифрофка қилиш, масофавий зондлаш, тарихий-археологик, олинган маълумотларни графиклар ва жадвалларда тизимлаш, таққослаш ва ГИС технологиялари усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Жанубий Фарғона ландшафтларининг ривожланиш тенденцияси илк бор табиий географик ғоялар ривожланишининг замонавий йўналишлари ёрдамида (табиий-генетик, функционал-динамик, тизимли, ландшафт-экологик, картографик) асосланган;

ландшафтларнинг ривожланиш тенденциясига иқлим кўрсаткичларининг таъсири базавий даврлар (1960-1990, 1990-2019) бўйича таққосланган ҳамда шу маълумотлар тўплами ($f_{m_i}^{int}$) орқали ноаниқлик индекси аниқланган;

ҳудудда мавжуд бурғи қудуқларидан фойдаланиб, ер ости сувларининг гидродинамик ўзгаришини аниқлашнинг акустик усули такомиллаштирилган;

ландшафтларга турли техноген таъсирларни ва ер ости сувлари ҳолатини ҳамда ўсимлик қопламининг 20 йиллик ўзгариш динамикасини тасвирловчи 1:800 000 масштабда мавзули карталари тузилган;

ArcGIS ва Visual MODFLOW технологиялари ҳамда ерни масофадан зондлаш усуллари қўллаш асосида Жанубий Фарғонанинг ландшафт ва тупроқ ўзгариш динамикаси карталарининг таҳлили асосида ўзлаштирилган майдонлардан йилига 0,6-1,9 млн тонна тузлар ер ости сувлари орқали оқиб кетиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот ишини бажариш давомида амалиётга тавсия этилган илмий ҳулосалар ва чора-тадбирлар табиий ландшафтларни ўзлаштириш, суғорма деҳқончиликни ривожлантириш, ландшафт-экологик ҳолатини яхшилаш ва оптималлаштиришнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган;

кўп йиллик тадқиқотлар натижасида иқлим ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгариш шароитида ҳудуд жанубида жойлашган дарёлар сув режимини ўзгариши натижасида тезлашаётган жараёнлар аниқланган;

ер ости сувлари ва уларнинг кимёвий таркиби ўрганилиб, уларнинг суғорма дехқончиликни ривожланишидаги таъсири очиб берилган;

масофавий зондлаш ва ГИС технологиялар асосида 20 йиллик ўсимлик қопламини ўзгариш даражаси аниқланган:

атмосфера ҳавоси таркибидаги аэрозол газлар таркиби аниқланиб, атроф –муҳитни муҳофаза қилиш ва оптималлаштириш принциплари ишлаб чиқилган;

суғорма дехқончилик таъсирида тупроқ шўрланиши ва ер ости сизот сувлари таркибидаги туз миқдори аниқланиб, уларни оптималлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

тузилган карталар асосида ландшафт-экологик, қишлоқ хўжалик соҳаларида фойдаланиш учун ландшафт экологик ҳолат баҳоланган ва вазиятни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Ўзбекистон Республикаси давлат Солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги, Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати Маркази, Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Фарғона вилоят қишлоқ хўжалик ва статистика бошқармаси, Кўкон метеорологик станцияси маълумотларидан фойдаланилганлиги, кўп йиллар давомида тўпланган дала тадқиқот, тажриба-экспериментал, тарих-археологик, лаборатория маълумотлари асосида яратилган карталар, назарий ишланмалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқлим ва ер ости сувларини ландшафтлар ривожланишига ва ўзгаришига таъсирини боғлиқлиги, Жанубий Фарғона худудидаги дарёлар ва ер ости сувларининг 1970-2021 йиллар орасидаги сув режими, ер ости сувларини динамик миқдорини ва ифлосланишини каротаж ва лаборатория усуллари орқали таҳлил қилиш, иқлим исиши шароитида тоғлардаги музликларга таъсири, худуд иқлими ва иқлим ўзгаришини таъсир этувчи омиллар, масофавий зондлаш ва ГАТ технологиялари асосида худуднинг 20 йиллик ўсимлик қопламининг ўзгаришлари таҳлили, атмосфера ҳавосини ифлосланишига таъсир кўрсатувчи омиллар, ер ости сувларини динамик миқдори ва кимёвий таркиби, сизот сувларни минераллашганлиги ва ҳар хил кимёвий моддалар билан ифлосланиши туфайли унумдор тупроқларни шўрланиши ва уларни муҳофаза қилиш, оптималлаштириш, ландшафт-экологик карталари таҳлили ландшафтшуносликнинг илмий йўналишларини янада такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти табиий ландшафтларни ўзлаштиришда айниқса адир ва тоғ олди пролювиал текисликлардан фойдаланишда, ер усти ва ер ости сувларидан комунал, саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларини юритишда, атмосфера ҳавосини ифлосланишини олдини олиш ва “яшил макон” дастурлари асосида ишлаб чиқилган чора-

тадбирлар режаси асосида лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этишда, шўрланган майдонларда суғорма дехқончилик қилиш ва иқтисодий самарадорликка эришиш, табиатни муҳофаза қилиш ва ландшафт-экологик ҳолатини баҳолаш ва прогнозлаш ҳамда оптималлаштириш тадбирларини амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ландшафтларнинг ривожланиш тенденциясига иқлим ва ер ости сувлари ўзгаришини комплекс таъсирини баҳолаш ва геоэкологик ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ҳамда самарали мониторинг олиб бориш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ландшафтларнинг ривожланишига иқлим кўрсаткичлари ер ости сувлари ўзгаришининг комплекс таъсири таҳлиллари Ўзбекистон Республикаси давлат Солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси давлат Солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг 2022 йил 26-январдаги 00520-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалик экин майдонларини кадастрини оптимал юритиш имконини берган;

Жанубий Фарғона ландшафтларининг ривожланиш тенденциясига иқлим кўрсаткичларининг таъсирини базавий даврлар (1960-1990, 1990-2019) бўйича таққослаш натижалари Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати Маркази амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати Марказининг 2022 йил 18-мартдаги 30-09/18-сон маълумотномаси). Натижада, техноген ва антропоген омилларнинг иқлим кўрсаткичларига таъсирини маълумотлар тўплами (f_{mi}^{int}) орқали ноаниқлик индекси аниқлаш имконини берган;

Жанубий Фарғона ландшафтларига техноген таъсир натижасида ер ости сувлари ифлосланишини ўрганишда замонавий усуллари ёрдамида мавжуд бурғу қудуқлардаги инфильтрацияси аниқлигини топишнинг замонавий усуллари "Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти" давлат муассасаси ва "Фарғона дала гидрогеология экспедицияси" давлат корхонасининг ер ости сувлари мониторингини олиб бориш ишларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг 2022 йил 10 мартдаги 01-36 маълумотномаси). Натижада, Жанубий Фарғона ландшафтларида техноген таъсир натижасида ер ости сувлари ифлосланишини ўрганишда замонавий усуллари ёрдамида мавжуд бурғу қудуқлар инфильтрацияси аниқлигини ошириш имконини берган;

ҳудуд ландшафтларининг ривожланишига иқлим кўрсаткичлари ва ер ости сувлари ўзгаришининг комплекс таъсири таҳлиллари Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати Маркази амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати Марказининг 2022 йил 18-мартдаги 30-09/18-сон маълумотномаси). Натижада, иқлим кўрсаткичлари ва ер ости сувларининг ҳудуд ландшафтларига таъсирини юмшатиш чора-тадбирларини амалиётда кенг қўллаш имконини берган;

замонавий технологиялар ёрдамида ArcGIS ва Visual MODFLOW технологиялари ҳамда ерни масофадан зондлаш усуллари ёрдамида яратилган

карталари "Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти" давлат муассасаси ҳамда "Фарғона дала гидрогеология экспедицияси" давлат корхонасининг ер ости сувлари мониторингини олиб бориш ишларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг 2022 йил 10 мартдаги 01-36 маълумотномаси). Натижада, иқлим ўзгаришини ер ости сувларига бўладиган таъсирини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, шулардан 1 та монография (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 216 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқот мавзусининг долзарблиги, зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари аниқланган, тадқиқот объекти ва предметиға тавсиф берилган, шунингдек, мавзунинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Ландшафтларни динамикаси ва ривожланишини тадқиқ этишнинг назарий асослари"** деб номланган биринчи бобида ландшафтлар динамикаси ва ривожланишни тадқиқ этиш масалалари ёритилган. Ландшафтларга доир баъзи тушунчалар ва атамалар таърифи, геосистемаларни тадқиқ этишнинг илмий ва методологик асослари, ландшафтларни тадқиқ этишни анъанавий ва замонавий усуллари илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Ландшафтшуносликдаги динамик мезон анча узоқ тарихга эга, аммо у Л.Берталанффи, В.Эмби ва бошқалар томонидан берилган янги талқинда очик тизимлар назариясидан кейингина мустаҳкамланди ва муҳим аҳамият касб этди. Тизимли ёндашув табиий муҳитнинг барча даражадаги бўлинмаларини тадқиқ этишда ўзини оқлайди ва қўл келади. Айниқса, морфологик бирликларни тизимли таҳлил этишни аниқ усуллар ёрдамида ўрганиш мумкин бўлган жойда самарали бўлади. Геосистемаларнинг динамикаси табиатини

тўғри тушуниш учун уларнинг ўзгармас ва ўзгарувчанлик тамойилларини билиш муҳимдир.

"Инвариант" атамаси маълум даражада мавҳум тушунча бўлиб, "динамик ҳолат"га мос келади ҳамда ўзига хос морфологик ва функционал хусусиятлари билан геосистемалар модификациясининг аниқ тимсоли бўла олади. Динамика, эволюциядан фарқли ўлароқ, геосистеманинг маълум бир тузилиши ичида намоён бўлади. "Динамика" ва "структура" тушунчалари ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд – улар ўзаро қарама-қаршидир. Бошқа томондан, баъзи файласуфларнинг талқинига кўра, тузилиш тизимнинг ўзгармас жиҳати ҳисобланади. Бу формулага амал қилсак, геосистеманинг тузилиши инвариантнинг бошланишидир.

Динамика геосистема ривожланишининг эволюцион қаторида маълум бир "рамка" доирасида намоён бўлади. Бир ўзгармаснинг бошқасига ўтиши (рамка ўзгариши) аллақачон табиий муҳитнинг эволюцион ривожланишининг намоён бўлишидир, бунинг учун динамик ҳодисалар ҳаракатлантирувчи кучлардан бирини англади. Турли хил факториал, динамик геосистемалар экологларни тушунтиришича суксессионал серияларга мос келади, улар ўз-ўзидан ривожланиш пайтида ёки инсон таъсири натижасида бир қатор ўзгарувчан ҳолатларни вужудга келтиради. Ҳар бир геосистема йиллар давомида ўзгариб турадиган ритмлар билан ажралиб туради. Геосистеманинг ҳолати геосистеманинг сурати эмас; бу муддатни узайтирадиган ёки қисқартирадиган ҳолатлар мавжуд.

Геосистемалар тузилишини ўзгартиришнинг умумбашарий аниқ тенденциялари билан бир қаторда, кенгроқ таҳлиллар, уларнинг ўзига хос стабиллашадиган принципини очиб беради, бу бошқа сабаблар билан биргаликда ўзини-ўзи бошаарувчи жараёнлари билан белгиланади. Шундай қилиб, унинг тушунчаси умуман геосистемалар динамикаси ва хусусан унинг тоифаси тушунчаси мазмунининг ажралмас қисми бўлиши керак, буни И.И.Мамай (1968) барқарорлаштирувчи динамика деб атаган. Барқарорлаштирувчи динамикани тушуниш гомеостазнинг мукамал ғоясига мос келади. Ушбу атама физиологлар томонидан ички муҳитнинг нисбий динамик барқарорлигини ва организмнинг асосий физиологик функцияларининг барқарорлигини белгилаш учун киритилган, кибернетикада ҳар қандай ўз-ўзини тартибга солувчи ҳодисага нисбатан ишлатилган, шунингдек, "гомеостаз" атамасини геосистемаларга ҳам қўллаш мумкин (Сочава, 1978).

Инсон фаолиятининг табиат компонентларига таъсири охир оқибат ландшафтдаги ўзгаришларга олиб келиши баҳс туғдирмайдиган бир ҳолдир. Аммо табиат компонентларининг ландшафт ўзгаришларидаги роли тўғрисида олимлар ўртасида яқдиллик йўқ. Мисол учун Н.А.Солнцев (1960) ландшафтни ўзгарган деб ҳисоблаш учун унинг геолого-геоморфологик асоси ўзгарган бўлиши керак, дейди. В.И.Прокаев фикрича ҳам фақат геологик-

геоморфологик негиз инсон томонидан ўзгартирилган геокомплексларнигина антропоген геокомплекслар деб ҳисоблаш мумкин.

В.Б.Сочава эса ҳарорат, намлик ва биотадаги ўзгаришлар ландшафт ўзгаришининг асосий кўрсаткичлари деб ҳисоблайди. А.С.Исаченко ҳозирги ландшафтларда биотани энг фаол компонент деб ҳисоблайди. Геологик, геоморфологик тоғ жинслари ва рельефни сушт ва фаолиятсиз деб ҳисоблаб, уни асосий кўрсаткич сифатида қабул қилишни нотўғри деб ҳисоблайди.

Табиий худудий тизимлар ҳақидаги ғоянинг ривожланиши ҳақида фикр юритган К.Н.Дьяконов (1976) ҳозирги вақтда геотизим тушунчаси уч хил маънода ишлатилаётганлигини айтади. Унингча, биринчи хил геотизимларга энг оддий табиий географик комплекслар (фациялар) кириб, уларнинг бир бутунлиги асосида модда ва энергиянинг вертикал оқими ётади. Иккинчи хил геотизимларга географик ландшафтлар киради. Унинг бир бутунлиги модда ва энергиянинг горизонтал оқимлари ҳукумронлиги билан белгиланади. Учинчи хил геотизимларнинг мавжудлиги асосида эса модда ва энергиянинг бир томонга йўналган оқими ётади. К.Н.Дьяконовнинг (1975) ўзи ҳам ана шу учинчи хил маъно тарафдоридир. Унинг ёзишича, "мавжудлиги асосида модданинг бир томонлама йўналган оқими ётган, бир бутунлик хусусиятига эга бўлган табиий бирликлар геотизим деб аталади".

Н.А.Гвоздецкий (1979) эса, табиатда объектив мавжуд бўлган типологик, регионал ва функционал табиий географик комплекслар уч турдаги геотизимлардир деб ҳисоблайди ва объектни ўрганишдаги тизимли ёндошиш ландшафтшунослик ва табиий географик районлаштиришнинг ўрнини босиши учун эмас, балки уларга қўшимча, уларни тўлдириш учун хизмат қилиши керак деган хулосага келади.

Табиий географияга тизимли ёндошишни жорий қилиш тарафдорларидан бири В.Н.Солнцев (1981) геотизим тушунчасини ҳар ким ҳар хил талқин қилаётганлигини инобатга олиб, "тизимли ёндошиш ўз моҳияти билан фанда қандайдир бир мутлақ янгилик ва одатдан ташқари ҳол эмас, балки муайян муаммони ҳал этишда олимнинг ихтиёридаги воситалардан усталик билан фойдаланишни билишдир" деб ёзади. Унинг фикрича географиянинг объекти ва тушунчаларининг ўзига хослиги ва мураккаблигини ҳисобга олмай туриб, тизимли ёндошишни механик тарзда, номигагина тадбиқ қилишга берилиб кетмаслик керак.

Ландшафтшуносликда қўлланиладиган хилма-хил усуллар битта асосга эга, булар - оғзаки, блокли, картографик, математик моделларда ўзини намоён қилиши мумкин. Бу ерда улар элементлар, тизимлар, омиллар, ҳолатлар, тузилмаларни таққослаш имконини беради, умумий ва индивидуал, гуруҳ хусусиятларини аниқлайди ва аналогини излаб топишга ёрдам беради. Ушбу ёндашувнинг доимий асоси ландшафт карталашдир. Ландшафтни ўрганиш методологияси, шунингдек, географик маконнинг доимий-дискрет тузилишини акс эттирувчи кўп тизимли моделларига асосланади. Биз ўз тадқиқотимиз давомида Фарғона тоғоралиғи ботиғи худудларида комплекс

табий географик тадқиқотлар олиб борган С.С.Неуструев, Э.М.Мурзаев, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, А.Абдулқосимов, Н.П.Васильковский, В.Н.Вебер, А.А.Юрьев, В.А.Духовный, В.М.Четыркин, Н.П.Костенко, Н.А.Гвоздецкий, Т.В.Звонкова, Б.П.Алисов, А.Мақсудов, Ғ.Юлдашев, В.Исақов, Ю.Султонов, П.Баратов, А.Н.Нигматов, Х.Ваҳобов, Б.А.Камолов, О.Мирзамахмудов, Р.Ҳолиқов, И.Абдуғаниев, К.М.Боймирзаев, О.И.Абдуғаниев ва бошқалар томонидан қўлланилган методлар ва методологиялар, ландшафтларни функционал-динамик таҳлилни амалга оширишда тадқиқ этишда хорижий олимлардан В.А.Николаев, В.Б.Михно, И.И.Мамай, А.Н.Каштанов, Ф.Н.Лисицкий, Г.И.Швебс ва бошқаларнинг методологик ёндашувларига асосландик.

Мазкур бобда ландшафтларда содир бўладиган динамик ўзгаришларни таҳлил қилган, уларни тизим сифатида қараб турли йўналишларда тадқиқотлар олиб борган хорижий ва ва маҳаллий олимларнинг назариялари қараб чиқилди.


Диссертациянинг иккинчи боби **“Жанубий Фарғона ландшафтларининг ривожланиш тенденциясининг ўзига хос жиҳатлари”** деб номланган бўлиб, дастлаб худуднинг геологияси, геоморфологияси ва рельефининг ландшафтларнинг шаклланишига таъсири ўрганилган. Сўнгра, Жанубий Фарғонанинг геоморфологик тузилишини ва унинг ландшафтларни вужудга келишига таъсири, ландшафтларда тупроқ ва биота ҳамда уларнинг антропоген трансформацияланиши, ландшафтлар динамикаси ва трансформациясида иқлимий омиллар, ландшафтларнинг ўзгаришига гидроген омиллар таъсири, иқлим ўзгаришини Жанубий Фарғона дарёларининг сув режимига таъсири каби масалалар кўриб чиқилган. Жанубий Фарғона худудининг Туркистон ва Олой тизма тоғларининг шимолий этаклари адирлардан иборат. Бу ерда қатор адир баландликлари, адирорти, адирлараро ва адирёни текисликлари ривожланган. Адирлар баландлигига ва иқлимий шароитига кўра икки қисмдан иборатлиги кўрсатиб ўтилган:

Пастки адир. Бунга денгиз сатҳидан 500-800 м баландликкача бўлган ерлар қиради. Рельеф тузилиши текислик, қирлардан иборат.

Юқори адир. Юқори адирга денгиз сатҳидан 900-1200 м гача баландликда бўлган ерлар қиради. Жанубий Фарғонанинг 1/4 худуди юқори адирларда жойлашган, баландлиги 550-1200 метр. Улар асосан тўртламчи ва неоген даври (конгломерат, қумтош, мергел, гил ва бошқа) тоғ жинслари ҳамда қисман палеоген ва бўр ётқизикларидан ташкил топган.

Фарғона ботиғининг ўсимлик қоплами ва турлари хилма-хил бўлиб, улар ўзининг географик тарқалишида зоналик қонуниятига бўйсунди. Фарғона ботиғида ўсимликларини тадқиқ этиш билан С.С.Неуструев, Б.А.Дробов, М.Г.Попов, М.М.Советкина, Е.П.Коровин, А.Розанов, С.Г.Головченко, Г.Т.Сидоренко, М.М.Арифхонова ва бошқалар шуғулланишган.

Шунингдек, ландшафтларнинг ривожланиш тенденциясига таъсир этувчи иқлим мониторингига алоҳида эътибор қаратилган. Иқлим мониторинги маълумотлари ХХ аср давомида ва ХХІ аср бошларида иқлим ўзгариши сценарийларига кўра Ўзбекистонда иқлим кўрсаткичлари динамикасида турғун ҳолатни кўрсатмоқда. Унинг суръати сўнгги ўн йиллик учун 0,2⁰С дан ошади, бу шимолий ярим шар бўйича исишнинг ўртача суръатидан 40 % га ортиқдир. Исиш оқибатида, сўнги ярим асрда Марказий Осиёнинг тоғ музликлари учдан бир қисмдан ортиққа қисқарди (Ўзгидромет, 2008). Республикамизнинг асосий метеорологик станциялари кўрсаткичлари асосида аниқланган тренд, минтақада йилларо иқлимнинг ўзгариши асосида рўй бераётган барқарор исиш тенденциясини кўриш мумкин (1-расм).



1-расм. Қўқон шаҳри бўйича 1970-2020 йиллар оралиғида ўртача йиллик ҳаво ҳароратининг ўзгариши

Иқлимга доир кўп йиллик кўрсаткичлар қаторини таҳлил қилиш, намлик танқислигининг такрорланиши ва жадаллигини баҳолаш имконини беради. 1970-2020 йиллар метеорологик маълумотлари кўрсатишича, сўнги ўн йилликда минтақада иқлим ўзгариши шароитида йилларо ёғингарчилик режими ва турлари ўзгаришининг кучайиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда, бунда уларнинг кўпайиш тенденцияси кузатилмоқда. Қўқон шаҳри бўйича 1970-2020 йиллар оралиғида ўртача йиллик ёғин миқдори 1970-йилда 53 мм бўлгани ҳолда 1990-йилдан бошлаб ёғин миқдорининг ошиб бориш тенденцияси яққол кўзга ташланади. Жумладан, 1992-йилда 2249 мм, 1997-йилда 150 мм, 2002-йилда 220 мм, 2007 йилда 155 мм, 2012-йилда 241 мм, 2017-йилда 170 мм ни. Ҳар бир 30 йиллик циклда эса ёғинлар ўзгариши ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда (2-расм).




2-расм. Қўқон шаҳри бўйича 1970-2020 йиллар оралиғида ўртача йиллик ёғин миқдорининг тебраниши

Ҳароратнинг кўтарилиши музликларнинг кичрайишига олиб келади. Аммо, Б.К.Царев, Р.Б.Пятова, Е.А.Абросимова (1998) маълумотларига кўра, иқлим ўзгаришлари баланд тоғларнинг ҳарорат тартиботига кам таъсир қилади. Шундай бўлсада, Олой тоғ тизимидаги Абрамов музлиги 1968-1998 йиллар ичида ўз массасининг 18 % ни йўқотган. Бошқа музликларда ҳам музлик майдонининг камайиши қайд этилган. Бу эса дарё сув сарфининг июль – сентябрь ойларида камайишига ҳамда кўп йиллик ўзгарувчанликнинг кучайишига сабаб бўлиши мумкин (Солиев Э.А., 2008).

Фарғона дала гидрометеорология экспедицияси маълумотлари ва Фарғона гидрометеорология бошқармаси маълумотларини солиштирадиган бўлсак, 2018 йилда ўртача ҳаво ҳарорати август ойида ўртачаси $21,4^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этгани ҳолда ёғин миқдори 20,1 мм ни ташкил этган, Шоҳимардон дарёсининг 2019 йилга август ойидаги ўртача сув сарфи $23,7\text{ м}^3$ эканлига кўриниб турибди. Шу йили декабр ойида эса Шоҳимардон шаҳарчасига декабрь, январь ойларида эса ёғин миқдори 1.3 ва 0.3 мм тушганлигини кўришимиз мумкин. Бундан шундай ҳулосага келишим мумкинки, атмосфера ҳаво ҳароратини кўтарилиши дарёларнинг сув режимига албатта таъсир кўрсатмоқда. Ёздаги ҳаво ҳароратини кўтарилиши, сув буғланишини кучайтириб ёз ойлари ёғингарчилик бўлишини, қишда эса кам ёғин бўлишини кўрсатиб келмоқди.

Жанубий Фарғонанинг ер ости сизот сувлари сатҳи картасидан шу ҳолатларни аниқлаш мумкинки, Жанубий Фарғона худуди жанубдан Марказий Фарғона томон, аниқроғи Сирдарё томон пасайиб боради. Шунинг хисобга оладиган бўлсак ҳудуднинг жанубий қисмида сизот сувларининг сатҳи 5 м ва ундан юқори. Чунки бу ҳудудлар адир ҳамда паст тоғлардан иборат 0-1 м ва ундан паст жойларга ҳудуднинг Сирдарё томонга оғиш қисмлари тўғри келади. Жанубий Фарғона бўйича сизот сувларининг ўртача сатҳи 2 м атрофида.

Жумладан, Жанубий Фарғона худуди шўрланмаган, кучсиз шурланган, ўртача шўрланган ва кучли шўрланган даражаларга ажратилган. Ҳудуднинг жанубий қисмлари шўрланмаган ёки кучсиз шўрланган бунга сабаб рельеф



3-расм. Жанубий Фарғона ландшафтларидаги ер ости сувлари сатхи (2021-октябр ҳолати)

қиялиги билан боғлиқ (3-расм). Тупроқларни кучли шўрланиши асосан суғориб экин экиладиган ҳудудларига тўғри келади. Умуман олганда, тупроқ шўрланиши ҳам ерости сувлари минераллашуви ҳам сизот сувлари сатҳига боғлиқ. Буни карталарни ўзаро таққослаш орқали ҳам кўришимиз мумкин. Шунинг учун бу ҳудудларда мелиоратив тадбирларини доимий амалга ошириш лозим бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Жанубий Фарғона ландшафтлари ва уларнинг динамик ўзгариши”** деб номланган. Мазкур бобда **“Жанубий Фарғона ландшафтларининг ривожланиш динамикаси ва унда конуссимон ёйилмаларнинг ўрни”** номли параграфида ҳар бир ландшафт бир бутун сифатида ўз ривожланишида, маълум бир ёшга, қандай пайдо бўлишига ва ривожланиш тарихига эгадир. Ҳар бир ландшафт ривожланишида ички ва ташқи омиллар таъсири остида бўлади. Ландшафтларни пайдо бўлиши ва ривожланишини турли олимлар турлича тушунтирадилар. Масалан, кишилиқ жамияти пайдо бўлмасидан олдин ёки табиатга жамиятни таъсири кучаймасидан олдин экзоген ва эндоген омиллар таъсирида ривожланган бўлса, ҳозирда табиат билан жамият таъсирида ривожланмоқда. Л.С.Берг ландшафтларни ривожланишини 2 турга ажратади: 1) аслига қайтадиган 2) аслига қайтмайдиган. Аслига қайтадиган ландшафтларга фаслий ўзгариши билан биргаликда ўрмонларни ёниши, сув босиши, чигирткалар босқини ва бошқаларни киритиш мумкин.

Маълумки, Жанубий Фарғона Мўғултоғ, Отўйноқ, Фарғона, Олой ва Туркистон тоғ тизмалари билан жанубий томонидан ўралган. Бу тизмаларнинг ёнбағирларида И.А.Ильиннинг (1959) маълумоти бўйича 6500 дан ортиқ турли хил катталиклардаги дарё ва сойлар мавжуд бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 28000 км ни ташкил этади. Дарё ва сойларнинг аксарият қисми мустақил ўзанлар орқали ботиқ юзасига оқиб тушиб, кўплаб конуссимон ёйилмалар ҳосил қилади. Масалан, Оқсув, Хўжабақирғон, Исфара, Сўх, Олтиарик, Файзобод, Марғилонсой, Исфайрам, Аравон, Оқбўра ва бошқа турли хил катталиқдаги конуссимон ёйилмалар шулар жумласидандир.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи **“Ҳудуд ландшафтларини тадрижий ўзгариши билан иқлимий кўрсаткичларни ўртасидаги боғланишлар”** деб номланган. Иқлимий омиллар ер юзидаги табиий (ландшафт) зоналар тизимини ҳам шаклланишини белгилаб беради.

Йилнинг ҳар бир ойи учун ёғингарчилик ва ҳарорат ўзгарувчилари таҳлил қилинди. Ушбу маълумотлар тўпламини ўрганиш ҳудуди учун баҳолаш ва тузатиш К.Теучшбайн томонидан кўрсатилган модел натижаларини кузатилган метеорологик маълумотлар билан таққослаш орқали амалга оширилди. Моделнинг маълумотлар тўплamlари энг яқин метеорологик станцияларда мунтазам тармоқ атрофига яқин жойлашганилигини инобатга олинган ҳолда қуйидаги тенглама асосида мослаштирилган ёки калибровка қилинган.


$$\bar{\Delta}_m = \frac{1}{L} \sum_{k=1}^L \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N (f_{m_i}^{mod} - f_{m_i}^{int})_k,$$

$$\hat{f}_m = f_m^{mod} + \bar{\Delta}_m,$$


$f_{m_i}^{mod}$ - иқлимнинг ўртача ойлик ўзгарувчиси,

$f_{m_i}^{int}$ - кузатилган маълумотлар тўплами.

Моделни калибровкалаш ва хатоликларни тузатиш учун 2000 йилдан 2019 йилгача бўлган жойда ўлчанган об-ҳаво маълумотлари ишлатилган. Хатолик аниқлангандан сўнг, ўша аниқланган хатолик, хатолик индекси ҳисобланади ва ҳар ойда ёғингарчилик ҳамда ҳаво ҳароратини тўғирлаш учун қўлланилади. Қуйидаги расмда кузатилган ва тузатилган модел маълумотларининг ҳаво ҳарорати йиллик тенденцияси кўрсатилган. Иккала маълумотлар тўпламини таққослаш орқали тарихий маълумотлар ноаниқлик индексини баҳоладик ва ушбу тузатишлар етарлича натижаларга эришганлигини текширилди. (4-расм)





4-расм. Ҳаво ҳарорати ва тузатилган маълумотларнинг чизиқли йиллик тенденцияси



Month	Temp	Precip
Jan	-0.1	29.6
Feb	2.7	37.3
Mar	9.3	47.4
Apr	16.2	42.7
May	20.9	37.8
Jun	25.2	16.5
Jul	27.0	10.0
Aug	25.4	4.3
Sep	20.7	6.3
Oct	14.3	23.1
Nov	7.2	29.9
Dec	1.7	32.8

5-расм. Ўртача ойлик маълумотларнинг 30 йиллик кўрсаткичлари тақсимланиши (1960-1990 йй., Фарғона).



6-расм. Дастлабки ва иккинчи 30 йиллик базавий даврларни ўзаро солиштириш (Фарғона).

Диссертациянинг учинчи бобнинг 3-параграфи “Ер ости сувларини ландшафтлар ва уларнинг тадрижий ўзгаришига таъсирини баҳолаш” деб номланади. Жанубий Фарғона ландшафтларининг ер ости сувлари адирларга яқин бўлган юқори ёнбағир зоналарида ер ости сувларига нисбатан ер юзасига анча яқин жойлашган. Масалан, адир олди текисликларида ер ости сув сатҳининг чуқурлиги 15-20 м атрофида бўлса, Ўрта қисмларида 5-10 м ни ташкил этади. Сирдарёга яқин бўлган қуйи қисмларига яқинлашган сари ер ости сув сатҳи янада юқорига кўтарила боради. Бу ҳудудда ер ости сув сатҳининг ўртача чуқурлиги 2-4 м дан ошмайди, айрим жойларда эса ер ости сувлари ер юзасига булоқлар шаклида ҳам чиқиб ётади.

Диссертациянинг 4-боби **“Жанубий Фарғона ландшафтларини замонавий усулларда тадқиқ этиш ҳамда улар асосида ландшафтлардаги ўзгаришлар таҳлили”** деб номланган. Замонавий методларда ландшафт ўзгаришини тадқиқ этиш ва ГАТ ёрдамида уларни карталаштириш, ландшафтларни комплекс баҳолаш ва ландшафт ўзгаришини картографик моделлаштиришга тизимли ёндашиш, шу жумладан сунъий йўлдош маълумотларини тавсифлашнинг мураккаб компьютер усуллари ва ГАТ ёрдамида карталаштиришга асосланади.

ГАТ таҳлилида қоплама вариантидан фойдаланиб, ҳар бир релеф намунаси учун NDVI модификацияси синфининг таркибини аниқлаш учун тасодифий танлов олинади ҳамда арифметик ва геометрик функциялардан фойдаланиш ҳар бир ландшафт намунаси учун барча модификация синфлари майдонларининг йиғиндисини миқдорий жиҳатдан аниқлайди. Олинган натижалар асосида ландшафт ўсимлик қопламининг ўзгаришини геоахборот моделлаштириш амалга оширилди.

Бир вақтнинг ўзида олинмаган кўп зонали космик тасвирларни Landsat тизимида қайта ишлаш, ГАТ таҳлили географик моделлаштириш натижасида аналитик ландшафт карталари тузилади.

Тўртинчи бобнинг 2-параграфи “Космик суратларни ландшафт тадқиқотлардаги аҳамияти” деб номланиб, унда географик тадқиқотлар Ердан туриб, ҳам космосдан туриб ҳам олиб бориши, Ер шари жуда катта бўлгани учун уни биратўла ўрганиш, унинг географик қонуниятларини глобал миқёсида аниқлаш, унинг регионал хусусиятларидан фойдаланиш ниҳоятда мураккаб муаммодир. Шунинг учун ҳам Ерни космосдан туриб ёки космик суратлар орқали тадқиқ қилиш имконияти каттадир.

Космик суратлар Жанубий Фарғона ландшафтлари ўсимликлар дунёсининг географик тарқалишини ўрганишда ва улардан фойдаланишда катта аҳамиятга эга эканлигини кўриб ўтдик. Арид ҳудудларда ўсимликларнинг тарқалишини, чўлланиш чегараларини шу йўл билан аниқлашда фойдаланилмоқда. Космик суратлар географик ландшафтни табиий ресурсларини экологик вазиятларни ўрганишда, атроф муҳитни муҳофаза қилишда ҳам фойдаланилмоқда.


Мазкур бобнинг 3-параграфи “Геоинформацион тизимлар асосида Жанубий Фарғона ландшафтларини карталаштириш методикаси” деб номланган. Геоахборотни А.М.Берлянт шундай таърифлайди: У геотизим тузилишини, боғлиқликни, динамикасини (ўзгаришини, замон ва макон билан боғлиқлигини) компьютерда моделлаштириш йўли билан ўрганувчи илмий соҳадир. Бу соҳа фақат геотизимда эмас технологияда ва ишлаб чиқаришда ҳам ишлатилмоқда. ГИС (ГАТ) (Географик ахборот тизимлари) автоматлаштирилган аппарат системаси бўлиб, макон ила замон координациялаштирилган геоахборотни йиғувчи, ишлов берувчи, сақловчи, тасвирлаб берувчи ва тарқатувчи илмий соҳадир. Мазкур бобда Космик суратларни ўқишда ундаги тасвирнинг катта кичиклигидан, шакли, ранги, структураси, хира ва тиниқлигидан (контрастлигидан) ва объектларнинг соясидан ҳам фойдаланилади.

Тадқиқотда Landsat-4,5,6,7 ва 8 OLI космик станциясидан олинган йигирма йиллик маълумотларни таҳлил қилинди.

Масофадан маълумотларни зондлаш ёрдамида олинган тасвирдан қизил ва яқин инфрақизил диапазонли бантларнинг нисбатини олиш орқали ўсимликларнинг "яшиллик" индексини аниқлаш мумкин. Нормалашган ўсимликларнинг индекслари (NDVI), ҳар бир пиксел асосида расмдан қизил ва инфрақизил бантлар орасидаги нормаллаштирилган фарқ сифатида ҳисобланади.

Ўсимликларнинг фотосинтез фаоллиги, ўсимликларнинг умумий қоплами, биомасса, ўсимлик ва тупроқ намлиги ва ўсимликларнинг стресси каби NDVI кўрсаткичларига кўплаб омиллар таъсир қилади. Шу сабабли, NDVI тадқиқотчилар ва қарор қабул қилувчиларни қизиқтирадиган кўплаб экотизим атрибутлари билан боғлиқ (масалан, аниқ бирламчи маҳсулдорлик, соябон қопламаси, яланғоч тупроқ қопламаси). Бундан ташқари, бу икки диапазоннинг нисбати бўлгани учун NDVI қиялик ва тасвир олинган томонга қараб тасвир ичидаги нурларнинг фарқларни ва тасвирлар олинган кун ёки фасл вақти каби тасвирлар орасидаги фарқларни ўрганишга ёрдам беради. Шундай қилиб, NDVI каби ўсимлик кўрсаткичлари экологик жихатдан муҳим ўзгаришларни излаш учун вақт ўтиши билан тасвирларни солиштиришга ва мониторинг қилишга имкон беради. Фойдаланиш қулайлиги ва кўплаб экотизим параметрлари билан алоқаси туфайли NDVI яйлов экотизимларида, ландшафтларни ўрганишда кенг қўлланилган.

Ушбу тадқиқот ишида Жанубий Фарғонанинг яшиллик кўрсаткичларини ўрганиш ва унинг мониторинг қилиш ишлари олиб борилди. Мониторинг, яъни кузатув ишини олиб бориш учун охирги 20 йиллик сунъий йўлдош маълумотларидан олинган тасвирлардан фойдаланилди. Бу муддат 2000-2020 йилга тўғри келади ва ушбу муддатда ўсимликларнинг ҳолатини ўртача 20 йиллик маълумотга нисбатан фарқлари ўрганилди. Биринчи навбатда охирги 20 йилда ўртача 20 йиллик NDVI қиймади аниқланди ва у карта кўринишда тасвирланиб тайёрланди (7-расм).



7-расм. Жанубий Фарғонада ўртача 20 йиллик ўсимлик қопламани ҳолати.

Юқорида таъкидланганидек, NDVI нинг ўртача 20 йиллик қийматидан ҳар бир танланган йилда қанчалик фарқ борлигини таҳлил қилиб чиқилди. Масалан: 2000-йилдаги NDVI қиймати, ўртача 20 йиллик қийматдаги яшиллик даражасидан қанчалик фарқ қилганлиги аниқланди. Бу ерда эътиборлиси 2000 йилда NDVI қиймати 0,30-0,41 оралиғида тебранган бўлса, кўп йиллик ўртача қиймат -0,23-0,51 ни ташкил этган. Умуман олганда яшиллик даражаси энг яхши йил 2000, 2001, 2015 йиллар бўлган бўлса (ёғин миқдорининг биро ортганлиги ҳисобига), сўнгги йилларда вегетацион индекслар кўрсаткичлари пасайиб бормокда.

